



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШДАН ЎТИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Мазкур тавсиялар E-anticor.uz электрон платформаси орқали эксперимент тариқасида ўтказилган коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда (рейтинг баҳолаш) тўпланган тажриба асосида давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари (давлат органлари ва ташкилотлари)га рейтинг баҳолашдан ўтишда кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Тавсиялар давлат органлари ва ташкилотларига мажбурият юкламайди, бироқ рейтинг баҳолашдан ўтишда уларга амал қилиш давлат органлари ва ташкилотларининг “яхши” рейтинг натижасига эришишига хизмат қилиши мумкин.



МУНДАРИЖА

КИРИШ СҮЗИ	6
УМУМИЙ ҚОИДА ВА ТУШУНЧАЛАР	8
БИРИНЧИ ЙҰНАЛИШ	11
ИККИНЧИ ЙҰНАЛИШ	18
УЧИНЧИ ЙҰНАЛИШ	19
ТҮРТИНЧИ ЙҰНАЛИШ	20
БЕШИНЧИ ЙҰНАЛИШ	22
ИЛОВА	23

КИРИШ СЎЗИ

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Шу мақсадда коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор халқаро стандартларни ўз фаолиятига жорий этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотларига бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш, зарур ҳолларда давлат ташкилотларига услубий кўмак бериб бориш мақсадида 2022 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор билан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, бунда Баҳолаш 5 та йўналишда 29 та **максус индикаторлар** асосида “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилиши белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 балдан 100 баллгacha рейтингда баҳоланиб, фаолият самарадорлиги “яхши”, “қониқарли” ва “қониқарсиз” тоифаларга ажратилади.

Бунда, индикаторларни бажариш орқали тўпланган баллар йиғиндисига кўра:

- 81 балдан 100 баллгача балл тўплаган давлат ташкилоти – “яхши”;
- 55 балдан 81 баллгача балл тўплаган давлат ташкилоти – “қониқарли”;
- 55 балдан паст балл тўплаган давлат ташкилоти – “қониқарсиз”
- деб топилади.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “яхши” деб топилган давлат ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини бошқа давлат ташкилотларида оммалаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги (Агентлик) томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, уларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул таркибий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритилади.

Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги “қониқарли” деб топилган давлат ташкилотларига самарадорликни янада ошириш бўйича Агентлик томонидан тавсиялар киритилади.

Фаолияти “қониқарсиз” деб топилган давлат ташкилотлари коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиши, Агентлик билан келишилган ҳолда тасдиқлаши лозим.

Рейтинг баҳолаш давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифалар қай даражада самарали бажарилаётганини мониторинг қилиш механизмини яратиш билан бирга, аниқланган **камчиликларни бартараф этиш**, соҳада **соғлом рақобат мұхитини кучайтириш**, ташкилот раҳбарларининг **шахсий масъулиятини оширишга хизмат қиласи** ва коррупцияга қарши курашишда халқаро стандартларга асосан **ягона ёндашувни шакллантиради**.

УМУМИЙ ҚОИДА ВА ТУШУНЧАЛАР

Мазкур тавсиялар Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими орқали ташкилотлар фаолияти баҳоланганда электрон платформага ҳужжатларни бириттириш ва саволларга жавоб берадиганда аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (давлат ташкилотлари) ходимларига қулайлик яратиш учун Тавсияларга электрон платформага бириттирилиши лозим бўлган ҳужжатлар намуналари илова шаклда тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Рейтинг баҳолаш алоҳида индикаторлардан ташкил топган қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- биринчи йўналиш** – давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;
- иккинчи йўналиш** – коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- учинчи йўналиш** – давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;
- тўртинчи йўналиш** – ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги;
- бешинчи йўналиш** – коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги.

Рейтинг баҳолаш йұналишлари бүйічә баллар қуийдагиңа тақсимланады:

- биринчи йұналиш – максимал балл 35;
- иккінчи йұналиш – максимал балл 30;
- учинчи йұналиш – максимал балл 15;
- түртінчи йұналиш – максимал балл 15;
- бешинчи йұналиш – максимал балл 5.

Асосий тушунчалар

Ушбу Тавсияларда қуийдаги асосий тушунчалардан фойдаланилған:

- электрон платформа – “E-Anticor.uz” электрон платформаси;
- махсус бўлинма – давлат ташкилотининг коррупцияга қарши ички назоратни амалга оширувчи мустақил таркибий бўлинмаси;
- индикатор – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиб ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловадаги индикатор кўрсаткичлари.

Электрон платформага маълумотлар аниқ белгиланган муддатларда киритилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, юқорида кўрсатилган Президент қарорига асосан чораклик маълумотлар 10 апрель, 10 июль ва 10 октябрға қадар, ийлilik маълумотлар 10 январга қадар киритилади. Бунда, ҳар чоракда маълумотлар олдинги чоракдаги маълумотларни қўшган ҳолда ўсиб борувчи маълумотлар

шаклида (масалан 1-чоракда 1 та тарғибот, 2 чоракда 3 та тарғибот тадбири ташкил этилган бўлса 2-чорак маълумотларига иккаласи қўшилиб 4 та тарғибот тадбири ташкил этилганлиги ҳақида маълумот киритилади) электрон платформага бириктирилади.

Электрон платформага маълумотларни киритишнинг бошланиши ҳақида махсус хабар берилади.

Тизимга давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо маҳфий ва маҳфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотларни киритиш тақиқланганини инобатга олиш тавсия этилади. Давлат ташкилоти томонидан мазкур маълумотлар рейтинг баҳолашга таъсир ўтказади деб ҳисобланса, тегишли индикатор кўрсаткичларини баҳолаш Агентликнинг белгиланган руҳсатномага эга бўлган ходими томонидан ўша ташкилотга бориб амалга оширилади.

Давлат ташкилоти томонидан тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар “E-Anticor.uz” электрон платформасига бириктирилиши лозим. Тегишли маълумотлар бириктирилмаган тақдирда, платформада автоматик равишда энг паст балл қўйилади.

Агентлик талабига кўра тегишли ҳужжат ёки материаллар қўшимча бириктирилиши ва ҳаволалар кўрсатилиши лозим.

БИРИНЧИ ЙҰНАЛИШ

Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бүйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилғанлиги ва амалиётта татбик этилғанлиги

Коррупцияга қарши курашиш бүйича ички идоравий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилғанлиги ва ўз вақтида янгилаб борилиши

1.1.1-индикаторни таҳлил қилишда давлат ташкилотлари томонидан қуидаги ҳужжатларнинг қабул қилинғанлиги ва янгилаб борилғанлигига зытибор қаратиш мақсадға мувофиқ:

- коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- одоб-ахлоқ қоидалари;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- манфаатлар тұқнашувини бошқариш бүйича низом;
- алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар түғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва күриб чиқыш регламенти;
- ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бүйича йўриқнома;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
- ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бүйича йўриқнома;
- коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
- коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;
- коррупциявий хатти-харакатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бүйича регламент;

давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом.

Бунда мазкур ҳужжатларни ягона ёки бир нечта буйруқ, (қарор) билан тасдиқлаш мумкин.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар таҳлили учун давлат ташкилоти раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатларнинг нусхаси pdf шаклда электрон платформага бириктирилади. Ҳужжатлар ташкилотдаги барча таркибий тузилмаларни қамраб олганлиги, улар билан қайта алоқа ва назорат функцияларига оид қоидалар борлигига эътибор қилиш тавсия этилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички идоравий механизmlарнинг жорий этилганлиги

1.2.1.1-индиқаторни таҳлил қилиш осон бўлиши учун ушбу Услубиётга 1-иловага мувофиқ шаклдаги маълумотни электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларининг иш фаолиятида эканлигини таҳлил қилиш учун электрон платформага жойлаштирилган ҳаволалар орқали уларга хабар юбориб кўриши, хабар юборилгандан кейин бир сутка ичida қайта алоқанинг мавжуд эмаслиги алоқа каналларининг иш фаолиятида эмас деб баҳоланишига олиб келиши мумкинлигини иноабатга олган ҳолда алоқа каналлари фаолиятини доимий равишда олиб бориш лозим.

1.2.1.2-индиқаторни таҳлил қилишда алоқа каналлари ҳақидаги маълумотларнинг сайтнинг асосий саҳифасида фойдаланувчиларга қулай тарзда жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Коррупцияга қарши ички идоравий ҳужжатларнинг веб-сайтда жойлаштирилганига баҳо беришда камида қўйидаги ҳужжатларнинг алоҳида “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимида тўлиқ реквизитлари кўрсатилган ҳолда жойлаштириш тавсия этилади:

коррупцияга қарши курашиш сиёсати;

одоб-ахлоқ қоидалари;

манфаатлар түқнашувини бошқариш бүйича низом;

алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар түғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти.

Бунда, “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимига сайтнинг асосий саҳифаси орқали кириш имконияти яратилган бўлиши тавсия этилади.

Алоқа каналлари ҳақидаги маълумотлар ҳар чоракда камида бир марта ташкилотнинг ахборот каналлари ёки ОАВларда эълон қилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

1.2.1.3-индикаторни таҳлил қилиш осон бўлиши учун ушбу тавсияларга 2-иловага мувофиқ шаклда ҳисобот расмийлаштириш ва сайтнинг “Коррупцияга қарши курашиш” бўлимида жойлаштириш тавсия этилади.

Кадрларга оид масалаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши

1.2.2.1-индикаторни таҳлил қилишда ҳисобот даврида вакант бўлган ўринларга ходимларнинг очиқ танлов асосида ишга қабул қилинганилиги масаласи ўрганилади.

Давлат ташкилотлари вакант ўринларга кадрларни танлов асосида қабул қилиш тизими мавжудлигини кўрсатиш учун ушбу Тавсияларга 3-иловага мувофиқ шаклда электрон платформага ҳисобот даврида ишга қабул қилинган ходимлар ҳақидаги маълумотни ҳамда ўтказилган танлов материаллари (сұхбат ёки тест баённомалари, видео материал)ни бириктириш тавсия этилади.

Қонунчилик ҳужжатлари билан ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби кўрсатилган лавозимларга (масалан, юридик хизмат ходимлари) ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ўтказилган танловлар орқали ишга қабул қилинган ходимлар алоҳида қайд этилиб, уларнинг танлов материалларини электрон платформага бириктириш шарт эмас. Бунда танловни ўтказган ёки ходимни ишга қабул қилишга розилик берган ташкилотнинг хатини электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

1.2.2.2-индикатордаги маълумотларни ушбу Тавсияларга 4-иловага мувофиқ шаклда электрон платформага Ҳисобот даврида ишга қабул қилинган (ротация қилинган) раҳбар кадрлар тўғрисида маълумотни бириктириш тавсия этилади. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги (Агентлик) томонидан мазкур маълумот ва расмий вебсайтдаги ишга қабул қилиш, ротация тўғрисидаги эълонлар ва ахборотлар солишириб чиқилади.

1.2.2.3-индикаторни таҳлил қилишни осонлаштириш учун электрон платформага ушбу Тавсияларга 5-иловага мувофиқ шаклда тайёрланган Коррупцияга қарши шартлар билан меҳнат шартномасида танишганлигини имзоси билан тасдиқлаган ходимлар рўйхатини бириктириш тавсия этилади.

Меҳнат шартномаларига киритиладиган коррупцияга қарши шартларнинг тавсиявий намунаси ушбу Тавсияларга 6-иловада келтирилган.

1.2.2.4-индикторга баҳо беришни осонлаштириш учун электрон платформага ушбу масалани тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатни бириктириш тавсия этилади.

Тегишли ҳужжатни бириктирилмаслиги коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизми, хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслиги кафолати мавжуд эмас деган баҳо берилишига олиб келиши мумкинлигига эътибор қаратиш сўралади.

Давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашуви бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш

1.2.3.1-индикаторни тўлдиришда ушбу Тавсияларга 7-иловага мувофиқ шаклда тайёрланган Декларацияни тўлдирган ходимлар тўғрисидаги маълумотни бириктириш тавсия этилади.

Бунда, бириктирилган маълумотга асосан танлов асосида камида 10 нафар ходим тўлдирган манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация сўраб олиниб, алоҳида ўрганиб чиқилишини инобатга олиш сўралади.

Декларацияни тўлдирган ходимлар ҳақидаги маълумот тақдим этилмаган, шунингдек танлов асосида талаб қилинган манфаатлар

тұқнашуви тұғрисидаги декларациялар нусхаси тақдим этилмаганда манбаатлар тұқнашуви тұғрисидаги декларациялар түлдирилмаган деб баҳо берилишини инобатга олиш сүралади.

1.2.3.2-индикаторни таҳлил қилишни осонлаштириш учун электрон платформага ушбу Тавсияларга 8-иловага мұвоғиқ шақлда Ҳисобот даврида давлат ташкилотига ишга қабул қилиш учун ҳужжат топширган номзодлар ҳақидаги маълумот ва улар бүйича үтказилған текширув хulosаларини бириктириш тавсия этилади.

Ҳисобот даврида давлат ташкилотига ишга қабул қилиш учун ҳужжат топширган номзодлар ҳақидаги маълумот ва улар бүйича үтказилған текширув хulosалари сонда тафовут келиб чиққанда, номзод бүйича текширув үтказилмаган деб баҳо берилиши мүмкінligини инобатга олиш мақсадға мұвоғиқ.

1.2.3.3-индикатор учун электрон платформага ушбу Тавсияларга 9-иловага мұвоғиқ шақлда Аниқланған манбаатлар тұқнашуви ҳолатлари реестри нусхасини бириктириш тавсия этилади. Ташкилотда манбаатлар тұқнашуви ҳолатлари аниқланмаган тақдирда мазкур Тавсияларга 9а-иловага мос шақлдаги намунага мұвоғиқ маълумот электрон платформага бириктирилиши тавсия этилади.

Реестр ёки маълумот электрон платформага бириктирилмаган бұлса, манбаатлар тұқнашуви аниқланған ҳолатларға чоралар күрілмаган деган баҳо берилишини инобатга олиш мақсадға мұвоғиқ.

1.2.3.4-индикаторни таҳлил қилишни осонлаштириш учун электрон платформага ушбу Услубиётта 10 ва 10а-иловага мос шақлда тайёрланған Дағлат ташкилоти томонидан тузилған хұжалик шартномалари тұғрисида маълумот ҳамда Контрагентларни текшириш реестрини бириктириш тавсия этилади. Шунингдек ҳисобот даврида үтказилған контрагентлар текширувлар сони, текширувлар натижалари бүйича ижобий ва салбий хulosалар нусхалари ҳамда ташкилот расмий веб-сайтнинг очық маълумотлар саҳифасидаги хұжалик шартномалари тұғрисидаги маълумот ҳаволасини ҳам электрон платформага бириктириш мақсадға мұвоғиқ.

Дағлат ташкилоти томонидан тузилған хұжалик шартномалари тұғрисида маълумот, Контрагентларни текшириш реестри, ҳисобот даврида үтказилған контрагентлар текширувлар сони, текширувлар натижалари бүйича ижобий ва салбий хulosалар нусхалари ўртасида тафовут келиб чиққан ҳолатларға

контрагент текширилмаган деб баҳо берилишини инобатга олган ҳолда ушбу маълумотларни электрон платформага бириктиришдан олдин текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирлар самарадорлигини мониторингдан ўтказиш

1.2.4.1-индиқаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 11 ва 11а-иловадаги намуналарга мувофиқ шаклда тайёрланган Коррупцияга қарши курашиб тизимининг амал қилиши ҳақида умумий ҳисботот ҳамда Коррупцияга қарши давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси ҳақида ҳисботларни бириктириш тавсия этилади.

1.2.4.2-индиқаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 12-иловадаги намунага мувофиқ шаклда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш журнали, ташкилотнинг йиллик назорат режаси (ташкилотнинг барча жараёнларини, мониторинг ва назорат қилинадиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олган) ва унинг ижросини тасдиқловчи ҳужжатларни бириктириш тавсия этилади.

Бунда, коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш журналини тўғри юритиш, режадаги муддати келган тадбирларни тўлиқ бажариш, айрим сабаблар билан бажарилмаган бўлса уларнинг муддатини белгиланган тартибда узайтирилгани ҳақида маълумот тақдим қилиш мақсадга мувофиқ.

1.2.4.3-индиқаторда электрон платформага ушбу Услубиётга 13, 13а, 13б-иловалардаги намуналарга мос шаклда алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни рўйхатга олиш реестри, ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари натижаларига қўра коррупциявий ҳаракат деб ҳисбланган ҳолатлар юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари реестрини бириктириш тавсия этилади.

Агар алоқа каналлари орқали коррупцияга оид хабарлар келиб тушмаган бўлса, 13в-иловадаги намунага мос шаклда маълумот электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

Реестрларнинг тұлық юритилмаганлиги, нотұғри маълумотлар киристилгандығы ёки үтказилған мониторинг ва назорат тадбирлар натижалари ҳақидаги маълумот тайёрланмаганлиги 1.2.4.3-индикатор бўйича тегишли хизмат текширувлари үтказилмаган деб баҳоланишига олиб келишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

1.2.4.4-индикаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 14 ва 14а-иловаларга мувофиқ шаклда тайёрланған коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилік ва ички идоравий талабларни бузган ходимлар сониҳамда уларга құлланилған чоралар күрсатылған рўйхат ёки коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилік ва ички идоравий талаблар ходимлар томонидан бузилмаганлиги түғрисидаги маълумотни биринчириш тавсия этилади.

Коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилік ва ички идоравий талабларни бузган ходимларга құлланилған чораларнинг мослиги содир этилган ҳуқуқбузарларнинг оқибати, давомийлиги, ходимнинг хатти-харакатларида қасд аломатларининг мавжудлигидан келиб чиқиб баҳо берилишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

ИККИНЧИ ЙҰНАЛИШ

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги

2.1-индикаторда электрон платформага 15, 15а-иловалардаги намунага мувофиқ шаклда тайёрланган ва тасдиқланган Давлат ташкилотининг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхатини бириктириш, шунингдек давлат ташкилотининг вазифа ва функциялари белгиланган қонунчилик ҳужжати ҳақидаги маълумотни киритиш тавсия этилади.

Бунда, Давлат ташкилотининг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли қонунчилик ҳужжатида кўрсатилган давлат ташкилотининг барча вазифа ва функцияларини қамраб олганлигини ва сифатли баҳолангандигига, Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати эса коррупция хавфи юқори деб топилган барча лавозимларни ўз ичига олганлигига баҳо берилишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

2.2-индикатор таҳлили учун электрон платформага 16-иловадаги намунага мувофиқ шаклда тайёрланган ва тасдиқланган давлат ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиб дастури (“Йўл харитаси”) ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни бириктириш тавсия этилади. Бунда чора тадбирларнинг аниқ ва манзилли белгилангандигиги, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлиги таҳлил қилинишига эътибор қаратиш лозим.

УЧИНЧИ ЙҰНАЛИШ

Давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни күрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги

3.1-индикаторда электрон платформага коррупцияга қарши курашишга оид ходимларга ва ахолига мурожаат эълон қилинган манба ҳаволаси, тегишли ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишлар баённомасини биритириш тавсия этилади.

Бунда, коррупцияга қарши курашишга оид мурожаат эълон қилинган манбанинг ҳамма учун очиқлиги, коррупцияга қарши курашиш масалаларининг ҳар чорақда камида бир маротаба кўриб чиқилганлигига алоҳида эътибор бериш мақсаддага мувофиқ.

3.2-индикаторда Агентлик томонидан электрон платформадаги сўровнома натижалари таҳлил қилинади.

Президентнинг юқорида қайд этилган қарори билан ушбу индикаторга Агентлик томонидан 12 балл берилиши белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Агентлик балларни қуйидагича тақсимлаган: ички назорат тузилмасининг амалда мустақиллиги 4 балл, етарлича штат бирликлари билан таъминланганлиги 6 балл, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги 2 балл.

Ички назорат тузилмасининг амалда мустақиллиги унинг алоҳида тузилма шаклида ташкил этилганлиги, бевосита биринчи раҳбарга бўйсуниши, ўз зиммаларига юклangan вазифаларни бажариш учун етарли ваколатларга эгалиги ҳамда қўшимча вазифа ва функциялар юклanganлигига намоён бўлади.

Етарлича штат бирликлари билан таъминланганлигини ўрганишда ташкилот марказий аппаратида алоҳида бўлинма мавжудлиги, ҳудудий ва мустақил таркибий бўлинмаларда коррупцияга қарши курашиш вазифасига масъуллар мавжудлиги, уларнинг вазифалари ички идоравий ҳужжатлар, мансаб йўриқномалари билан белгиланганлигига баҳо берилишини инобатга олиш мақсаддага мувофиқ.

3.3-индикаторда электрон платформага ОАВ ва тадбирлардаги чиқишлар бўйича маълумотлар ва материаллар ҳаволаси бириктириш тавсия этилади.

Ташкилот раҳбари ҳамда барча ўринbosарлари томонидан ҳар ярим йилда камида бир марта ОАВ ва тадбирларда коррупцияга қарши қурашиб бўйича чиқишлар қилинмаган ёки электрон платформага бириктирилмаган бўлса, коррупцияга қарши қурашиб бўйича чиқишлар қилинмаган деб баҳо берилишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ

Ходимларнинг коррупцияга қарши қурашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги

Ходимларнинг коррупцияга қарши қурашиш бўйича ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги

4.1.1-индикаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 17 ва 17а-иловаларга мувофиқ шаклда бириктирилган коррупцияга қарши қурашиб бўйича ички идоравий ҳужжатлар билан танишганлигини имзоси билан тасдиқлаган ходимлар рўйхати, Ходимларнинг коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлиги юзасидан якуний мониторинг натижалари ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат якунларини бириктириш мақсадга мувофиқ.

Ташкилотнинг барча ходимларлар қўйдаги коррупцияга қарши қурашиб бўйича ички идоравий ҳужжатлар билан таништирилган бўлишлари мақсадга мувофиқ:

- коррупцияга қарши қурашиб сиёсати;
- одоб-ахлоқ қоидалари;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;
- ташкилотда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш механизми, хабар берган ходимларни рағбатлантириш, уларнинг таъқибга олинмаслиги кафолатлари мавжудлиги тўғрисидаги ички идоравий ҳужжат.

Бунда, Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш бүйича ички идоравий ҳужжатлардан хабардорлиги бүйича замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда танлов асосида ташкилотнинг камидаги 10 нафар ходими билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

Электрон платформага ҳужжатларнинг бириктирилмаганлиги ёки ўтказилган суҳбат натижасида суҳбат ўтказилган ходимларнинг 50 фоизидан кўпининг коррупцияга қарши ички ҳужжатлардан хабардор эмаслиги аниқланган тақдирда ходимлар коррупцияга қарши курашиш бүйича ички идоравий ҳужжатлар билан танишмаган ҳамда коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилмаган деб баҳо берилишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилганлиги

4.2.1-индиқаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 18-иловага мос шаклда тайёрланган Коррупцияга қарши курашиш бүйича умумий ва маҳсус ўқитишдан ўтган ходимлар рўйхатини бириктириш тавсия этилади.

Мазкур индиқаторда олдинги ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар сони таққосланишини инобатга олиш зарур.

4.2.2-индиқаторда электрон платформага ҳисобот йили учун тайёрланган коррупцияга қарши курашиш бүйича сўнгги қонунчилик ҳужжатларига асосланиб ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бүйича тайёрлаш, қайта тайёрлашга оид маҳсус ўқув дастурлари ҳамда ташкилот ходимлари учун тайёрланган қўлланмаларни бириктириш тавсия этилади.

Маҳсус ўқув дастурлари, қўлланмаларнинг бириктирилмаганлиги ёки уларнинг долзарб эмаслиги (янгиланмаганлиги) аниқланган ҳолларда маҳсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжуд эмас деган баҳо берилишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

4.2.3-индиқаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 19-иловага мос шаклда тайёрланган Ишга янги қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бүйича билим ва кўникмаларини ошириш бүйича маълумотни бириктириш тавсия этилади.

4.2.4-индиқаторда электрон платформага ушбу Тавсияларга 18-иловага мос шаклда маълумот бириктириш тавсия этилади.

БЕШИНЧИ ЙҰНАЛИШ

Коррупцияга қарши курашиш бүйічә тегишли соңа ёки тармоқ, кесиміда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатта нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратылған тарғибот тадбирларининг самарадорлиғи

5.1-индикаторда ушбу Тавсияларга 20-иловага мувофиқ, шаклда тайёрланған Ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида ташкил этилған тарғибот тадбирлари ҳақида маълумотни электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот давридаги күрсаткичлар сони таққосланишини инобатта олиш мақсадга мувофиқ.

5.2-индикаторда ушбу Тавсияларга 20-иловага мувофиқ, шаклда тайёрланған Ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида ташкил этилған тарғибот тадбирлари ҳақида маълумотни электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот давридаги күрсаткичлар таққосланишини инобатта олиш мақсадга мувофиқ.

5.3-индикаторда ушбу Тавсияларга 20-иловага мувофиқ, шаклда тайёрланған Ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида ташкил этилған тарғибот тадбирлари ҳақида маълумотни ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид тарқатылған күргазмали материаллар, құлланмалар, ижтимоий аудио ва видеороликларни электрон платформага бириктириш тавсия этилади.

Мазкур индикаторда олдинги ҳисобот давридаги күрсаткичлар таққосланишини инобатта олиш мақсадга мувофиқ.

ИЛОВА-1

Тавсияларга

1-илова

НАМУНА

**(Ташкилот номи)нинг коррупция ҳақида хабар беришга мұлжалланған алоқа
каналлари тұғрисида
МАЪЛУМОТ**

T/p	Алоқа канали түри	Алоқа канали манзили (хаволаси)	Ташкил этилған вакти
1.	Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали	https://www.facebook.com/groups/_____	2022 йил 15 май
2.	Телеграм мессенжеридаги алоқа канали	https://t.me/_____	2022 йил 15 май
3	Ишонч телефони	0000	2022 йил 15 май
4	Расмий веб-сайтдаги алоқа канали (v	www._____	2022 йил 15 май
		
		
		

Коррупцияга қарши**ички назорат тузилмаси раҳбари****(имзо)****Ф.И.О**

* Маълумот коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари томонидан имзоланиши ва ташкилот мухри билан тасдиқланиши мақсадда мувофиқ.

Тавсияларга
2-илова

НАМУНА

**(Ташкилот номи)нинг коррупция фактларига доир мурожаатларни кўриб
чиқиши натижалари ҳақидаги йиллик
ҲИСОБОТ***

I. Умумий маълумот

Мазкур бўлимда давлат ташкилотига коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатларнинг умумий сони ҳамда уларнинг ҳудудлар ва келиб тушган алоқа каналлари кесимидағи сони кўрсатилиши тавсия этилади.**

II. Кўриб чиқиши натижалари

Мазкур бўлимда ушбу мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари, хусусан келтирилган фактлар ўз тасдигини топган мурожаатлар сони ҳамда улар бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар келтирилиши тавсия этилади.

III. Минималлаштириш чоралари

Коррупция фактларига доир келиб тушган мурожаатлардан келиб чиқиб коррупцион хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича кўрилган чоралар баён қилиниши тавсия этилади.

Коррупцияга қарши

ички назорат тузилмаси раҳбари

(имзо)

Ф.И.О

* Маълумот коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

** Агар коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушмаган бўлса фақаттинга мурожаатлар келиб тушмаганлик факти қайд этилиб, ушбу маълумот ташкилотдаги мурожаатлар билан ишлашга масъул бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

ИЛОВА-3

Тавсияларга
3-илова

НАМУНА

**(Ташкилот номи)да хисобот даврида
ишга қабул қилинган ходимлар ҳақидаги
МАЪЛУМОТ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Давлат ташкилоти раҳбари
(имзо) Ф.И.О**

**2022 йил I чораги давомида
ишга қабул қилинган ходимлар ҳақида маълумот***

T/р	Ишга қабул қилинган ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вакт, буйруқ раҳами	Ишга қабул қилишга оид танлов ўтказилган кун, баённома рақами ва санаси, видео материал ҳаволаси
1.	Анваров Анвар Анварович	Молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси	2022 йил 5 март 105-шт	2022 йил 28 февраль
2.	Анваров Анвар Анварович	Бош юрисконсульт	2022 йил 2 март 104-шт	Адлия вазирлигининг 2022 йил 28 февралдаги 1/5-806-сон розилик хатига асосан
...				

Кадрлар бўйича тузилма раҳбари (имзо) Ф.И.О

* Маълумот ташкилот раҳбари ва кадрлар билан ишлашга масъул таркибий бўлинма томонидан имзоланиши ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ.

ИЛОВА-4

Тавсияларга
4-илова

НАМУНА

**(Ташкилот номи)да ҳисобот даврида ишга қабул қилинган
(ротация қилинган) раҳбар кадрлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

да 2022 йил I чораги давомида
ишга қабул қилинган (ротация қилинган) раҳбар кадрлар ҳақида маълумот*

T/p	Ишга қабул қилинган (ротация қилинган) шахснинг Ф.И.О	Лавозими**	Ишга қабул қилинган (ротация қилинган) вақт, буйруқ раками
1.	Анваров Анвар Анварович	Молия-иктисод бўлими бошлиғи	2022 йил 2 март 104-шт
2.	Анваров Анвар Анварович	Ишлар бошқармаси бошлиғи	2022 йил 5 март 105-шт
...			

Кадрлар бўйича тузилма раҳбари

(имзо)

Ф.И.О

* Маълумот кадрлар билан ишлапшга масъул таркибий бўлинма томонидан имзоланиши ва ташкилот мухри билан тасдиқланиши мақсаддага мувофиқ.

** Маълумот ташкилотнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринbosарлари, марказий аппарат бўлим, бошқарма, департамент бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарлари бўйича тўлдирилиши тавсия этилади.

ИЛОВА-5

Тавсияларга
5-илова

НАМУНА

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кадрлар бўйича тузилма раҳбари
(имзо)**

**(Ташкилот номи)да ҳисобот даврида коррупцияга қарши шартлар билан меҳнат
шартномасида танишганлигини имзоси билан тасдиқлаган ходимлар
РЎЙХАТИ**

2022 йил 1 апрель ҳолатига

T/p	Ишга қабул қилинган шахснинг Ф.И.О	Лавозими	Ишга қабул қилинган вақт, буйруқ рақами (буйруқга кўшимча)
1.	Анваров Анвар Анварович	Молия-иқтисод бўлими бош мутахассиси	2022 йил 5 март 105-шт
2.	Анваров Анвар Анварович	Бош юрисконсульт	2022 йил 2 март 104-шт
...			

Маълумот учун: Ташкилотда ҳисобот даврида -та ходим фаолият юритган

* Маълумот кадрлар билан ишлапшга масъул таркибий бўлинма томонидан имзоланиши
ва ташкилот муҳри билан тасдиқланиши мақсаддага мувофиқ.

ИЛОВА-6

Тавсияларга
6-илова

**Меҳнат шартномаларига киритиладиган коррупцияга қарши
шартларнинг тавсиявий намунаси**

Меҳнат шартномаси тарафлари қўйидигилар ҳақида келишдилар:

.....

5. Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

пора таклиф қиласлик;

ваъда бермаслик;

пул тўламаслик, товламачилик қиласлик;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;

пора олмаслик;

бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;

мол-мулк ёки мулкий хукуқларни олмаслик;

ўз ваколатларини суистеъмол қиласлик мажбуриятини олади.

6. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид хукуқбузарликни содир этиши ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриши сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

7. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва **ТАШКИЛОТНИНГ** ички ҳужжатларига мувофиқ **манфаатлар тўқнашуви** келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни **хабардор қилиши шарт**.

8. Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларниг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четта чиқсан ҳолда бошқа ходимларниг

профессионал иш фаолиятига аралашиш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда _____ (ташкилот номи) _____ ички хужжатларига мувофиқ дарҳол қўйидаги алоқа каналлари орқали:

“_____” ишонч телефони;
Телеграм канали (“@antikorbot”);
Веб сайт;
Электрон манзил хабар қилиши лозим.

9. Агар ходим ТАШКИЛОТНИНГ бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳакидаги **фактларни аниқласа**, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали ТАШКИЛОТНИНГ Коррупцияга қарши курапиш сиёсатида кўрсатилган шахсига тақдим этиши шарт.

10. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси (ташкилот номи) ички хужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

....
....

Томонларнинг манзиллари ва имзолари:

Ходим:

Иш берувчи:

ИЛОВА-7

Тавсияларга
7-илюва

НАМУНА

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кадрлар бўйича тузилма раҳбари
(имзо) Ф.И.О

(Ташкилот номи)да ҳисобот даврида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни
тўлдирган ходимлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ

